

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ



Ички ишлар Вазирлиги Академияси 207-гуруҳ  
курсанти **Умаров Камол Комилжон ўғли**

Ilmiy rahbar – podpolkovnik  
**Shumarov Ziyoviddin Shamsiddinovich,**  
Huquqbuzarliklar profilaktikasi kafedrasida katta  
o'qituvchisi

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш, шу орқали профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг статистикасини ишлаб чиқиш, унга қарши курашда этибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида маълумотлар, айтилган жараёнда юзага келаётган муаммо, камчиликлар, уларга барҳам бериш юзасидан таклифлар ёритилган

**Калит Сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, профилактика, ахборот, маълумотлар, хориж тажриба, фуқаролик жамияти, демократия

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ И ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПО ПРОФИЛАКТИКЕ

**Аннотация:** В данной статье рассматривается работа инспектора по профилактике в процессе предупреждения, пресечения и устранения нарушений и оформления их результатов, тем самым формируя статистику нарушений, допущенных инспектором по профилактике в закрепленной за ним сфере, о аспектах, на которые следует обратить внимание чтобы в борьбе с ними выделялись информация, проблемы, возникающие в этом же процессе, недостатки, предложения по их устранению

**Ключевые слова:** правонарушение, профилактика, информация, данные, зарубежный опыт, гражданское общество, демократия

IMPROVEMENT OF CRIME PREVENTION AND INFORMATION-ANALYSIS  
ACTIVITY OF THE INSPECTOR OF PREVENTION

**Annotation:** In this article, the work of the prevention inspector in the process of preventing, combating and eliminating violations and formalizing their results, thereby developing statistics of violations committed by the prevention inspector in the area assigned to him, about the aspects that should be paid attention to in the fight against them information, problems arising in the same process, shortcomings, proposals for their elimination are highlighted

**Key words:** offense, prevention, information, data, foreign experience, civil society, democracy

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва янги Ўзбекистон барпо этилаётган бир пайтда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт ва айниқса қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш шу билан биргаликда камбағалликни олдини олишга доир туб ислохотлар амалга оширилмоқда ва буни амалий қиёфасини кўриб турибмиз. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва уларни содир этилиши сабаблари, уларга имкон бераётган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб-шароитларни бартараф этишга шунингдек, аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар асосидаги фуқароларни огохликка, хушёрликка ва ҳафсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этишга чорлаш мақсадида амалга оширилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат ҳавсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги Ички Ишлар Органларини фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармонида; Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди: ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали 7 ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш борасида учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш; “республика— вилоят — туман — маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат

органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш; ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Инсоният томонидан тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, бугунги кунда хавфсизлик масалалари бўйича тўғри ва самарали чораларни ишлаб чиқишда қудратли жисмоний салоҳият ҳамда кучли иродага нисбатан ахборотни йиға олиш ва таҳлил қилиш қобилияти зарурроқ экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ахборот ҳокимиятнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Бу ҳол инсон онгининг ахборотни сингдиришга мойиллиги кашф этилгандан буён давом этмоқда. Ўз ўрнида у (ахборот) узоқ вақтлар бошқарув қуроли бўлиб хизмат қилган куч ва зўравонлик ўрнини эгалламоқда. АҚШнинг собиқ президентларидан бири Ричард Никсон Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида бюджет масалалари бўйича чиқишида эътироф этганидек, «ахборот ва ташвиқотга сарфланган 1 доллар қурол-ярғ тизимини яратишга кетган 10 доллардан самаралироқ, чунки ахборот қуролдан фарқли ўлароқ ҳар доим ва ҳар жойда ишлатилади»<sup>2</sup>. Демак, ахборот фавқулодда муҳим ва қимматли бўлган маҳсулотлар сирасига кирди. Ҳозирги кунда уни ҳатто юксак технология маҳсулотларига қиёсламоқдалар. Баъзан ахборотни энг юксак технология маҳсулоти билан қиёслайдилар. Бироқ бизнинг назаримизда ахборот кадриятлар иерархиясида янада юқорироқ мавқега эга. Ушбу ўринда кенг тарқалган “ким ахборотга эга бўлса, ўша вазиятни бошқаради” ибораси ўз ўрнида ишлатилганлигига иқдор бўламиз.

Ҳар бир мамлакат давлат сифатида шаклланган экан, аввало давлат мамлакат ҳудида тинчлик-осойишталикни, барқарорликни таъминлаши шарт. Жумладан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мол мулкани турли тажовузлардан ҳимоя қилишда Ички ишлар органларининг профилактика хизматларини ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда Ички ишлар органларининг қўйи тизими ҳисобланган яъни, маҳаллаларда жойлашган маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани ва таянч пунктларида хизмат фаолиятини олиб боровчи профилактика (катта) инспекторларининг

халққа яқинлиги ва улар доимий равишда одамлар орасида бўлиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини бермоқда. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда: –ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; –аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот; – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишб . Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси такомиллаштириш доирасида: 1) шахсда жамиятга зид йўналишни шакллантирувчи, воқеа ва жараёнлар; 2) жиноят содир қилишга мойил бўлган ижтимоий гуруҳлар ва муайян шахслар; 3) жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, криминоген вазиятлар ҳамда бошқа детерминантлар ўрганилади Ислохотлар давомида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш янги тизими қуйидаги имкониятларга эга бўлди: 1. ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулда профилактика инспекторлари раҳбарлигида кечакундуз узлуксиз равишда ЖТС ва ХТ, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятларни иссиқ изи бўйича очиш; 2. профилактика инспекторининг ИИО даги бошқа хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчилик билан ёнма-ён туриб ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш; 20 3. жиноий фаолиятга жалб қилинаётган шахсларнинг асосий қисмини ташкил этувчи ҳаётда адашган, ўз йўлини топа олмаётган, ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш; 4. фуқароларнинг жиноий фаолиятга жалб қилинишининг асосий сабаби бўлган ҳаётдаги, айниқса ижтимоий-иқтисодий, оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни бамаслаҳат, ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш; 5. аҳолини жиноятчиликдан ҳимоя қилишни бевосита улар ўз ҳаётларининг асосий қисмини ўтказадиган яшаш жойларида амалга ошириш; 6. худудда жиноий фаолият олиб боровчи шахсларнинг, жиноий тузилмаларнинг, экстремистик-террористик ташкилотларнинг ушбу жойларда яшаётган аъзолари пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида олиш; 7. эскича «жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фoш этиш» усули ўрнига янгича «ҳаёт тарзи, юриш-туришидан жиноят содир этиши маълум бўлган ёки жиноий фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, биринчи навбатда, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, агарда улар жиноий фаолият билан шуғулланаётган бўлсалар уларни фoш этиш» усулини қўллаш ва бошқалар.

Ички ишлар органлари амалий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ахборот-таҳлил фаолияти ташкил этади. Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларининг муваффақиятли таъминланиши кўп жиҳатдан ахборот-таҳлил фаолиятининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Ахборот-таҳлил фаолияти ижодий жараён бўлиб, унинг натижасида тегишли маълумотларни тадқиқ қилиш орқали алоҳида фактлар тегишли ишни ташкил этишга ёрдам берадиган яқуний маҳсулотга айланади. Ички ишлар органлари тизимида ахборот-таҳлил фаолияти билан у ёки бу даражада барча ходимлар шуғулланадилар. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага 16 келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олишлари лозим. Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин

Профилактика инспекторининг ахборот-таҳлил фаолияти— профилактика инспектори ўз ҳудудидаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларидан иборат. Ахборот ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишни ташкил этишда ўта муҳим элементга айланиб бормоқда. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда самарали фаолият олиб боришлари, биринчидан, ахборот-таҳлил фаолиятини тўғри ташкил этишга, иккинчидан, таҳлил фаолиятига оид вазифаларни аниқ белгилаб берилишига, учинчидан, ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишда ва ахборотларни йиғишда бошқа бўлинмалар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини самарали таъминлашга боғлиқ. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда ички ишлар органларининг ахборот-таҳлилий фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш ўзига хос мураккаб жараёндир. Ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини самарали ташкил этиш, авваламбор, олинган ахборотларнинг тўлиқлигига, ишончлигига ва сифатига боғлиқдир. Профилактика инспекторларини ахборот-таҳлил фаолияти қўйидагилардан иборат: - хизмат ҳудудида криминоген вазиятга таъсир кўрсатаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик, миллатлараро ва бошқа жараёнлар тўғрисида ички ишлар ва давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манбаалардан келиб тушаётган

маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш; - жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятидаги муаммоларни комплекс таҳлил қилиш; - жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи жараёнларини аниқлаш ва уларга сабаб бўлувчи шарт-шароит ва омилларни ўрганиш бўйича ижтимоий ва криминологик тадқиқотларини ўтказиш, таҳдидлар ривожланишининг истиқболини белгилаш; - ички ишлар органининг фаолият натижаларини баҳолаш, хизмат ҳудудида тезкор вазиятни барқарорлаштириш ва соҳавий хизматлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича ахборот-таҳлилий ҳужжатларини ишлаб чиқиш; - ички ишлар органи раҳбари учун таҳлилий маълумотлар, маъруза тезислари ва ҳисботларни тайёрлаш; - ички ишлар органида маълумот-ахборот фондини шакллантириш.

Ахборот-таҳлил бўлинмалари ўз ваколати доирасида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш борасида ички ишлар органларининг тезкор-хизматини тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш, комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаларни 23 таъминлайди ва амалга оширади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот ушбу давлатда истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёти ҳамда осойишталигини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ислоҳотлар тизимнинг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарурлиги” борасида Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлар профилактиксини такомиллаштириш фаолиятини ташкил этиш борасида ҳалигача муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Юртимизда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш учун юқори турувчи органлар ҳамда маъсул ходимлар томонидан қуйидаги ишлар амалга ошириш учун вазифа сифатида қўйилган<sup>48</sup>: - ҳудудларда содир этилаётган жиноятларнинг кунлик таҳлил олиб борилиб, жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларга қўшимча куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш чораларини кўриш; - зудлик билан профилактик ҳисобга олиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг барчасини профилактик ҳисобга олиш орқали турмуш тарзи ва хулқ-атвори қатъий назоратга олиш

- худудларда патрулик гуруҳларнинг фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, бунда кўча ва жамоат жойларига зарурий куч ва воситалар жалб этиш чораларини кўриш, улар томонидан ўткир тўғли жисмларни олиб юрвчи шахсларни аниқлаш ва уларга кескин чора кўриш фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Xoliqov. A Pedagogik mahorat. Toshkent, — Tafakkur bo`stoni, 2011 y
2. Медведев И.Ф. Концепция самообразования: основные понятия и структура // Инновационные проекты и программы в образовании. 2013. № 3. — С.42 – 46
3. Watson J. Blended learning: The convergence of online and face – to – face education. – Vienna: North American Council for Online Learning, 2008. – 16 p. 4. Atamuratova. T va b. Mutaxassislik fanlarni o`qitish metodikasi. T., Yangi asr avlodi. 2008. -180 b. Po`latova. P.M. Maxsus pedogogika. T.: G`afur G`ulom, 2005.-223 b
5. Хашимова С. On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. – 2019. – Евразийское Научное Объединение. – С. 334-338.
6. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. Journal of Central Asian Social Studies, 2(04), 1-10
7. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国 梦想" CHINESE DREAM" AND 类 命运 共同 " COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"—A LINGUISTIC AREA. Journal of Central Asian Social Studies, 1(01), 05-14. International scientific-practical conference on the topic of “Problems and perspectives of modern technology in teaching foreign languages” VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 20 ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7 591 w February 2022 [www.oriens.uz](http://www.oriens.uz)
8. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on Si Jinping's speeches). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 1086-1092.
9. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. Journal of Central Asian Social Studies